


# РУҶИНИ ПOKЛA

Розия ХОЛХУЖАЕВА



Розия Холхўжаева

# РУҲИНГНИ ПОКЛА

Ўш-2004

*Ушбу китобчадан жой олган тўртликлар пайғамбаримиз Муҳаммад саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан, Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий ижод намуналаридан илҳомланган ҳолда ёзилган.*

*Ишончимиз комилки, маънавият шайдолари шоиранинг қаламидан таралган исломий нурдан баҳра олиб, ўзларининг Ватан, жамият, ота-она, дўст-ёр олдидаги бурчларини янада чуқурроқ ҳис этадилар.*

**Оллоҳнинг хузуридаги чин дин – Ислом  
динининг равнақиға бағишлайман.**

Муаллиф.


Кимларгадир озор берма, руҳингни покла,  
Ноҳақ йўлдан ризқинг терма, руҳингни покла,  
Кибрланиб қошинг керма, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

— \* —

Етимларни йиғлатмагин, руҳингни покла,  
Ўксик қалбни тигламагин, руҳингни покла,  
Йиқилганни қулатмагин, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

— \* —

Фаҳшга шерик бўлмагин сен, руҳингни покла,  
Зиноларга тўлмагин сен, руҳингни покла,  
Ўлмай туриб ўлмагин сен, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Тежамкорсан – ризкинг сўлмас, руҳингни покла,  
Уйинг асло ғамга тўлмас, руҳингни покла,  
Тежамкорлар ҳеч хор бўлмас, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Сенга бўлсин бор адолат, руҳингни покла,  
Сенга бўлсин ул саодат, руҳингни покла,  
Сенга бўлсин яхши одат, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Гуноҳинг кўп, эй сен, одам, руҳингни покла,  
Чакки босма ҳеч бир қадам, руҳингни покла,  
Яхши бўлгин энди шу дам, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Ўғри бўлмай тўғри юриб, руҳингни покла,  
Ўғри бўлмай тўғри туриб, руҳингни покла,  
Яхшилар-ла суҳбат қуриб, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Эл-юрт ичра обрў олиб, руҳингни покла,  
Халқинг учун доим толиб, руҳингни покла,  
Эзгу диллар ичра қолиб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Изтиробда қолмай десанг, руҳингни покла,  
Келажагинг ғамин есанг, руҳингни покла,  
Нурли йўлни излаб келсанг, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Дўстга дилинг қил намоён, руҳингни покла,  
Оғир кунда бўлгин ошён, руҳингни покла,  
Қийин кунда бўлар аён, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Мулойим бўл, табассум қил, руҳингни покла,  
Бул иккиси эзгулик, бил, руҳингни покла,  
Бўлиб доим ширинсўз тил, руҳингни пок,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Билсанг, қўшнинг сенга улфат, руҳингни покла,  
Ёрдам берар тушса кулфат, руҳингни покла,  
Сен ҳам унга ишон албат, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Фақирларга ёрдам бериб, руҳингни покла,  
Эҳсонларни ҳар дам бериб, руҳингни покла,  
Ҳалол ризқинг ердан териб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Исрофли тўй қилма зинҳор, руҳингни покла,  
Исрофли тўй қилади хор, руҳингни покла,  
Олам сенга бўлмасин тор, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Бой-камбағал дема зинҳор, руҳингни покла,  
Муҳтожларни қилмагин зор, руҳингни покла,  
Беваларни қилмагин хор, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Мухтожлар-ла суҳбат куриб, руҳингни покла,  
Мискинларни яхши кўриб, руҳингни покла,  
Иккисига ёрдам бериб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Очкўз бўлма – ёмон одат, руҳингни покла,  
Қўрқоқлик ҳам ёмон офат, руҳингни покла,  
Тинч қўймайди бул маломат, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Манмансираш кимга керак, руҳингни покла,  
Инсонсан сен, ёнар юрак, руҳингни покла,  
Яхши ният қилиб тилак, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Ҳасад қилма, эй мусулмон, руҳингни покла,  
Ранги рўйинг бўлар сомон, руҳингни покла,  
Вужудингни қўймас омон, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Пасткаш, аблах билан юрма, руҳингни покла,  
Пасткаш, аблах билан турма, руҳингни покла,  
Пасткаш билан суҳбат курма, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Ношукурлик эрур ёмон, руҳингни покла,  
Ношукурлик қўймас омон, руҳингни покла,  
Ношукур сен бўлмай ҳамон, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Золимлик-ла ерни олма, руҳингни покла,  
Маломатга кейин қолма, руҳингни покла,  
Мўмин қалбин ғамга солма, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Озор жойи дўзах бўлар, руҳингни покла,  
Дилозордан дўзах тўлар, руҳингни покла,  
Дилозорлар минг бор ўлар, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Донолардан ибрат олиб, руҳингни покла,  
Нодонларга нафрат тўлиб, руҳингни покла,  
Яхшилар-ла минг бор ўлиб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Ёшлигингда савоб иш қил, руҳингни покла,  
Фаниматдир ҳар бир кун, бил, руҳингни покла,  
Ҳар ишингдан яйрасин дил, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Кўнгилларни равшан этиб руҳингни покла,  
Дилозордан узоқ кетиб руҳингни покла,  
Эзгу мақсад сари етиб руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Мусулмонсан, зино қилма, руҳингни покла,  
Фарзандларинг қалбин тилма, руҳингни покла,  
Зино нима - сира билма, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Пок диллардан сабоқ олиб, руҳингни покла,  
Пок тиллардан сабоқ олиб, руҳингни покла,  
Пок йўлларда боқий қолиб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Қўшнинг йиғлар, ёрдам бериб руҳингни покла,  
Савоб йўлдан гуллар териб, руҳингни покла,  
Дардлиларга бўлиб шерик, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Миллатчилик қилмагин сен, руҳингни покла,  
Қанча қалбни тилмайин сен, руҳингни покла,  
Ёмон йўлни билмайин сен, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Ватанингни сотмагин сен, руҳингни покла,  
Гуноҳларга ботмагин сен, руҳингни покла,  
Кейин тошдай қотмагин сен, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Аразлама, ёмон одат, руҳингни покла,  
Аразлама, ёмон офат, руҳингни покла,  
Дўстлик ипин ула абад, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Оилангга сарфлагин пул, руҳингни покла,  
Фарзандларинг бўлмасин қул, руҳингни покла,  
Аёлинг ҳам бўлмасин тул, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Ташвиш, алам ортда қолсин, руҳингни покла,  
Яхшилик-ла қалбинг толсин, руҳингни покла,  
Оллоҳ қалбга меҳрин солсин, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Гина-кудурат қилмай зинҳор, руҳингни покла,  
Гина қилган бўлади хор, руҳингни покла,  
Гиначидан қилиб юр ор, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Қарзи борга ёрдам бериб, руҳингни покла,  
Фарзи борга ёрдам бериб, руҳингни покла,  
Арзи борга ёрдам бериб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Кўнглинг, бағринг кенг бўлиб сен, руҳингни покла,  
Ҳамма учун тенг бўлиб сен, руҳингни покла,  
Бир ёқаю енг бўлиб сен, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Сабабсиз кўз ёшинг тўкмай, руҳингни покла,  
Беҳудага ранжиб сўкмай, руҳингни покла,  
Иш қилишдан асло қўрқмай, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Эҳсон бериб, дилинг соғлаб, руҳингни покла,  
Еган нону тузинг оқлаб, руҳингни покла,  
Ҳақ инсонни доим ёқлаб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Оллоҳ берган ноз-неъмат-ла руҳингни покла,  
Етимларга қил ҳимматлар, руҳингни покла,  
Иймонингни омонатла, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Аёлларни улуғлаб сен, руҳингни покла,  
Аёлларни буюклаб сен, руҳингни покла,  
Аёлларни суюклаб сен, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Она юртим дея борим, руҳингни покла,  
Киндик қоним дея орим, руҳингни покла,  
Она макон дея ёрим, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Ватан ишқи ила ёниб, руҳингни покла,  
Ватан ишқи ила қониб, руҳингни покла,  
Ватан сотган зотдан тониб, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Хиёнатлаб қалбни тилмай, руҳингни покла,  
Дўстингни ҳам душман билмай, руҳингни покла,  
Яхшиларга озор қилмай, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Мол-дунёга хирс қўймайин руҳингни покла,  
Ёшингга ёш қўшган сайин руҳингни покла,  
Ҳар бир сўзинг бўлсин майин, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Кўп дунёдан кўнгил тўймас, руҳингни покла,  
Кўп дунёдан роҳат бўлмас, руҳингни покла,  
Оз дунёдан одам ўлмас, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Ой юзини қоплар булут, руҳингни покла,  
Гина-кудурат бўлар унут, руҳингни покла,  
Қора булут ўткинчи, кут, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Адолатдан қасрлар қур, руҳингни покла,  
Адолатли йўллардан юр, руҳингни покла,  
Адолатдан чекинмай тур, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Қора танли дема, болам, руҳингни покла,  
Кенгларга кенг эрур олам, руҳингни покла,  
Қора ерда ётур Зол ҳам, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Меҳмонларни эъзозлаб сен, руҳингни покла,  
Ичингдаги шайтонни енг, руҳингни покла,  
Бўлсин бағринг дунёдек кенг, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Қўшниларга меҳринг очиб, руҳингни покла,  
Қўшниларга меҳринг сочиб, руҳингни покла,  
Гийбатлардан нари қочиб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Фаҳм-фаросат билан иш тут, руҳингни покла,  
Илмга чанқоқ бўл, сувдек ют, руҳингни покла,  
Ҳамроҳ бўлиб, яхшилиқ кут, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Қотилларга бешафқат бўл, руҳингни покла,  
Раҳм қилмай нафратга тўл, руҳингни покла,  
Қотил авфи бўлмас қабул, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Макруҳ ҳийла йўлга юрмай, руҳингни покла,  
Ҳийла билан суҳбат қурмай, руҳингни покла,  
Ҳийлакорни кутиб турмай, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Фафлатларда қолмайин сен, руҳингни покла,  
Фафлатларда толмайин сен, руҳингни покла,  
Нафратларни олмайин сен, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Алданмагин, кўзингни оч, руҳингни покла,  
Алдамчидан узоқроқ қоч, руҳингни покла,  
Маккорларга захрингни соч, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Хушёр бўлгин, ухлаб қолма, руҳингни покла,  
Хушёрликдан ҳеч ҳам толма, руҳингни покла,  
Юрагингга кўрқув солма, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Беморлардан хабар олиб, руҳингни покла,  
Ўксик қалбга севинч солиб, руҳингни покла,  
Хизмат қилиб, чарчаб-толиб, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Ичиб олиб бўлма махлук, руҳингни покла,  
Ароқ ичсанг бузилар хулқ, руҳингни покла,  
Кулма гапга, ўғитни ук, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Ота-онанг дуосин ол, руҳингни покла,  
Меҳнатларни қилиб сен тол, руҳингни покла,  
Эзгулик-ла қалбларда қол, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Сен ёлғончи одам бўлма, руҳингни покла,  
Ёлғончи ном билан ўлма, руҳингни покла,  
Шу ном билан гулдай сўлма, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Одил шохни ардоқла сен, руҳингни покла,  
Бу дунё ҳам кенгларга кенг, руҳингни покла,  
Яхши-ёмон ҳаммага тенг, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Дарғазаблик бўлиш ёмон, руҳингни покла,  
Дарғазаблик қўймас омон, руҳингни покла,  
У бошлайди дўзах томон, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Ирим-сирим, билсанг, ёмон, руҳингни покла,  
Ирим-сирим дилга камон, руҳингни покла,  
Ирим-сирим қўймас омон, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Ҳалол еб-ич, ҳалол бўлиб, руҳингни покла,  
Ҳалоллик-ла нурга тўлиб, руҳингни покла,  
Ҳалоллик-ла минг бор ўлиб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Ҳалол бўлиб, меҳнат қилиб, руҳингни покла,  
Дангасалик қалбин тилиб, руҳингни покла,  
Ҳалолликни дўст деб билиб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Эй биродар, нафсинг тийиб, руҳингни покла,  
Адолатнинг тўнин кийиб, руҳингни покла,  
Ҳалолликдан гуллар уйиб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Чиройлисан, гўзал бўлиб, руҳингни покла,  
Чиройлисан, ойдек тўлиб, руҳингни покла,  
Гўзал қалб-чун юз бор ўлиб, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Ховлиларни тоза тутиб, руҳингни покла,  
Тоза ҳовли ердан ўтиб, руҳингни покла,  
Меҳринг билан ёринг кутиб, руҳингни пок,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Мол-қўйларни уриштирмай, руҳингни покла,  
Бир-бирига юриштирмай, руҳингни покла,  
Пешонани тириштирмай, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Фитналардан узоқ бўлиб, руҳингни покла,  
Тухматлардан нафрат тўлиб, руҳингни покла,  
Эзгулик-чун юз бор ўлиб, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Мағрурланиш - ёмон одат, руҳингни покла,  
Манмансираш - ёмон офат, руҳингни покла,  
Иккиси ҳам ёмон хислат, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Беморларни бориб кўриб, руҳингни покла,  
Кўнгил олиб, ҳолин сўриб, руҳингни покла,  
Ширин сўз-ла суҳбат куриб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Дили хунук одамдан қоч, руҳингни покла,  
Ёмонларга нафратинг соч, руҳингни покла,  
Дили покка қалбингни оч, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Ёмон лақаб қўйма ҳеч ҳам, руҳингни покла,  
Эзгулик-ла ташла қадам, руҳингни покла,  
Яшагин сен бўлиб одам, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Билсанг, ғийбат жуда ёмон, руҳингни покла,  
У инсонни қўймас омон, руҳингни покла,  
Доим бошлар разил томон, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Адолатга ҳамроҳ бўлиб, руҳингни покла,  
Ҳақиқатга ҳамроҳ бўлиб, руҳингни покла,  
Муҳаббатга ҳамроҳ бўлиб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Золим шохда бордир одат, руҳингни покла,  
У келтирар фақат офат, руҳингни покла,  
Юкмай туриб бир касофат, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Бошлиқларни ҳурмат қилиб, руҳингни покла,  
Сўзларига қулоқ илиб, руҳингни покла,  
Дилларини қалбдан билиб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Оллоҳ сенга берди ақл, руҳингни покла,  
Оллоҳ сенга берди нақл, руҳингни покла,  
Яхшиликни дилга жо қил, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Тафаккур-ла интилиб сен, руҳингни покла,  
Ақл-идрок-ла шимариб енг, руҳингни покла,  
Ҳамма учун дунёдир кенг, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Қалбинг ҳакам, кулоқ тутиб, руҳингни покла,  
Ёмон хулқни ичга ютиб, руҳингни покла,  
Эзгуликнинг йўлин кутиб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Ақл-идроксиз иш бошламай, руҳингни покла,  
Сўнг пушаймон бош қашламай, руҳингни покла,  
Нафрат билан кўз ташламай, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Тозаликни одат қилиб, руҳингни покла,  
Ифлосликнинг қалбин тилиб, руҳингни покла,  
Ҳалолликка қулоқ илиб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Канда қилмай саҳар туриб, руҳингни покла,  
Канда қилмай саҳар юриб, руҳингни покла,  
Эзгулик-ла суҳбат қуриб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Сен инсонсан, берма озор, руҳингни покла,  
Ҳайвон дебон йиғлатма зор, руҳингни покла,  
Ёруғ дунё бўлмасин тор, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Нафосатли бўлиб юриб, руҳингни покла,  
Нафосатли бўлиб туриб, руҳингни покла,  
Нафосатдан гулшан қуриб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Кексалардан дуо олиб руҳингни покла,  
Дилга меҳру ишқинг солиб руҳингни покла,  
Эзгуликда мангу қолиб руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Гапдонлардан нари қочиб руҳингни покла,  
Яхшиларга қалбинг очиб руҳингни покла,  
Камтар бўлмоқ эрур вожиб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Омонатга кийим киймай, руҳингни покла,  
Етимларнинг ризқин қиймай, руҳингни покла,  
Муҳтож келса қошинг уймай, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Донолардан маслаҳат ол, руҳингни покла,  
Нодонлардан узоқда қол, руҳингни покла,  
Дилга эзгу нурларни сол, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Иккиюзли бўлиш ёмон, руҳингни покла,  
Ёмон хислат қўймас омон, руҳингни покла,  
Интил доим яхши томон, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Чақимчилик қилма зинҳор, руҳингни покла,  
Иғво, тухмат қилади хор, руҳингни покла,  
Кенг бу дунё бўлади тор, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Иймондандир, билсанг, вафо, руҳингни покла,  
Иймонсиздан келур жафо, руҳингни покла,  
Юртингни сев, қилмай сафо, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Фарзандларнинг қадрин билиб, руҳингни покла,  
Ҳар бирини назар илиб, руҳингни покла,  
Ота бурчинг адо қилиб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Ризқу рўзинг ердан ўриб, руҳингни покла,  
Оиланг-ла баҳам кўриб, руҳингни покла,  
Ахил, иноқ суҳбат қуриб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Бола-чақа ғамини еб, руҳингни покла,  
Аёл, фарзанд ризқини деб, руҳингни покла,  
Ойдин кеча, нурли кун деб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Ўстириб сен иккита қиз, руҳингни покла,  
Қолдириб сен иккита из, руҳингни покла,  
Катта қилиб, меҳринг оқиз, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Очиқ чехра билан боқиб, руҳингни покла,  
Ширин сўзинг билан ёқиб, руҳингни покла,  
Дарё янглиғ жўшиб оқиб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Ҳамжиҳатлик билан яшаб, руҳингни покла,  
Ҳамжиҳатлик ошин ошаб, руҳингни покла,  
Ёмон хулқни ортга ташлаб, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Сухбатдошинг кўнглин олиб, руҳингни покла,  
Ширин сўзни қалбга солиб, руҳингни покла,  
Эзгу гулшан ичра қолиб, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Дўстлар билан сухбат куриб, руҳингни покла,  
Эзгу ният томон юриб, руҳингни покла,  
Яхши ният билан туриб, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Ёмонликдан бўлиб халос, руҳингни покла,  
Яхшилиқдир мўминга хос, руҳингни покла,  
Ҳикматларга қулоғинг ос, руҳингни покла,  
Пок келдингни, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Ёлгон гувоҳ бўлма зинҳор, руҳингни покла,  
Ёлгон гувоҳ қилади хор, руҳингни покла,  
Ёлгон йўлдан юрма, қил ор, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Гуноҳларни авф эт ҳар чоғ, руҳингни покла,  
Гина қилма, қолмасин доғ, руҳингни покла,  
Билки, меҳр улкан бир тоғ, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Улуғларни ҳурмат қилиб, руҳингни покла,  
Суюқларни ҳурмат қилиб, руҳингни покла,  
Буюқларни ҳурмат қилиб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Жирканч, ҳаром ишлар қилмай, руҳингни покла,  
Дўсту ёринг бағрин тилмай, руҳингни покла,  
Гуноҳ ишни асло билмай, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Илм ўрганиб, ортда қолмай, руҳингни покла,  
Илм-идроқдан тезда толмай, руҳингни покла,  
Дилга зинҳор қайғу солмай, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Илм нуруни таратиб сен, руҳингни покла,  
Илм аҳлини қаратиб сен, руҳингни покла,  
Илм гулшанин яратиб сен, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Саломатсан – хурсанд бўлиб, руҳингни покла,  
Саломатсан – кучга тўлиб, руҳингни покла,  
Ҳар кимсанинг кўнглин олиб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Ота-онанг рози қилиб, руҳингни покла,  
Ҳар бир сўзин олтин билиб, руҳингни покла,  
Ўгитига қулоқ илиб, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.

Ароқ ичиш - ёмон одат, руҳингни покла,  
Бошга тушар минг бир офат, руҳингни покла,  
Олиб келар фақат кулфат, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Разолатни дилдан ўчир, руҳингни покла,  
Қабоҳатни дилдан ўчир, руҳингни покла,  
Иккисидан инсон чўчир, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



Доно сўзин тинглаб кунда, руҳингни покла,  
Ҳикматларни тинглаб тунда, руҳингни покла,  
Баркамолсан, билсанг, шунда, руҳингни покла,  
Пок келдингми, пок кетгин сен, руҳингни покла.



*Адабий-бидиий нашр*  
Розия ХОЛХЎЖАЕВА  
**РУҲИНГНИ ПОКЛА**  
*Тўртликлар*

Теришга берилди 12.02.2004 й.  
Босишга рухсат этилди 10.05.2004 й.  
Бичими 60X84; Нашриёт босма тобоғи 2,0.  
500 нусха. Буюртма №354.

---

Ўш вилоят босмахонасида чоп этилди.  
Ўш шаҳри, Курмонжон додхо кўчаси — 209.

